

Замонавий дунёмизга хос бўлган «пробка» сўзи автомобиль йўлларидаги тикилинчни англатади ва айни пайтда у бизни тезкор метро томон кочишга ундамоқда. Зеро, у ерда ҳеч қандай тикилинч ва ортикча кутишларга дуч келмайсиз. Хаммаси сизнинг режангиз асосида бўлади. Тагинам бизда автомобиллар ҳаракати ҳозирча кўнгилдагидек, ҳали 5-10 йил ўтсин кўрамиз, ҳудди Европадаги каби тикилинчлар пайдо бўладими? Ана ўшанда машиналарнинг турган жойида кимирламай, бир соат қолиб кетиши одатий ҳолга айланади. Хуллас, метронинг кадри янада ошади, унга талаб кучаяди, йўловчилар метро томон олдингидан кўра ҳам икки хисса кўпчилик бўлиб ҳаракатлана бошлашади...

Поезд, автомобиль, пароход – буларнинг пайдо бўлиши ҳақида кўпчилигимиз биламиз. Аммо метро-чи? Метро ҳақида сиз қандай маълумотга эгасиз? У қачон ва қаерда қашф қилинган, ким ихтиро этган?

Ҳудди буг машиналари каби метро ихтирочиси ҳам ўша кўхна Англиядан бўлади. Демак, лондонлик Чарльз Пирсон 1846 йилда ўзининг ақлли миясига келган ушбу фикрдан «дўпписини осмонга отган эди». У аввалига шошилмади. Хаммасини пухта ўйлаб, ишни маромига етказди – чизилиши керак бўлган архитектура чизмаларини оққа тушириб, тўғри темир йўллар бўйича қироллик комиссиясига йўл олди.

Тасаввур қиляпсизми, бу салкам икки аср муқаддам — 1846 йилда рўй бермоқда! У пайтларда ҳали на автобус, на автомобиль бор эди.

Шундай қилиб, Пирсоннинг лойиҳаси комиссияда муваффақият қозонади ва орадан 14 йил ўтиб – 1860 йилда Лондонда метро қурилиши бошланди. Ўшанда машҳур «Euston Square» учун биринчи туннель қавланганди. Қазил ишларини олиб борган қурилиш компаниясининг номи эса «Metropolitan» эди. Энди ўзингиз ҳам пайкаган бўлсангиз керак, «метро» сўзи қай тарзда пайдо бўлгани, қаердан қелиб чиққанини!

Шундай қилиб дунёдаги биринчи метронинг очилиши 1863 йилда рўй берди.

Линияда 7 та бекат бор эди, узунлиги эса бор-йўғи 3,5 км.ни ташкил қиларди. Шу йўл 33 дақиқада босиб ўтиларди. Вагонларни ёритиш газда амалга ошириларди. Битта поезддаги вагонлар сони эса 4 та бўлиб, уларни локомотив тортарди, натижада метро йўли буг ва тутунга тўларди. Фақат 1890 йилга қелибгина метрога электр қўлланилди, унда илк бор мамлакат шахзодаси сайр қилди. Дарҳақиқат, тутунсиз ва олдингисига нисбатан анча паст овозли метрода инсон ўзини анча яхши ҳис қиларди.

Деярли ҳар қуни қурилиш ишлари давом этиши сабабли Лондон метроси йил сайин такомиллашиб борди. Илк халқа йўли 1868 йилдаёқ пайдо бўлганди, 1908 йилда эса Альберт Стэнли йўловчиларга яна бир қулайлик қилиш усулини топди: метрода йўналиш схемаларини чизиб, уларни станцияларга осиб қўйишни таклиф қилди.

Инсониятнинг янги ихтироси дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам тез тарқалди. Масалан, Англиянинг ўша пайтда «укаси» бўлган АҚШ метро тарҳини 1872 йилдаёқ ўз

мамлакатига олиб кетиб, Нью-Йоркда барпо килиб бўлганди. 1896 йилда метро шаркий Европага ҳам кириб келди – бу гал уни Будапештда куришди. Яна икки йил ўтиб Париж, 1900 йилда эса Берлин ахолиси ҳам янги транспорт турини ўз кўзлари билан кўришди.

Метронинг пайдо бўлиш тарихи билан ҳам танишиб олдингиз. Энди дунёдаги энг чиройли ва гайриоддий метро — Париж метроси хакида батафсил хикоя киламиз.

Париж метроси нафакат Европада, балки дунёда ҳам энг зич метро бўлса керак. Бу ерда баъзи бекатлар оралиги бор-йўғи 500 метрни ташкил килади. Метрога кириш эшиги ер ости йўлига олиб борадиган махфий эшикни эслатади. Жуда тор ва кичкина, XIX аср охирлари — XX аср бошида курилган ва хозиргача ўзгартирилмаган. Ичкарига киришингиз билан сизни ажиб бир хис-туйғу камраб олади: бекатларининг сирли, миниатюрвий шаклини дарров хис киласиз. Метро деворлари кўлда чизилган турли расмлар билан безалган, худди кўчалардаги безори ёки ёш болалар деворларга чизиб кетадиган расмларга ўхшайди. Зинапоя эса жуда тор, спирал шаклида – у сизни жуда-жуда чуқурларга олиб тушиб кетади! Тахминан беш каватли уйдан пастга тушганчалик масофа босиб ўтилади.

Метродаги кўрсатиш белгилари «арт-нуво» услубида бажарилган: ёзув, чизма ва унга таралиб турадиган кизил чироклар. Бу кўриниш ер ости махлуқотини эслатади, ўзингизни худди кинолардаги каби сезасиз, бу ерда.

Метродан чиқиш эшигида (уни топиб олишининг ўзи азоб) эскалатор хизмат килади, у тўғри кўчага йўналган. Бекатдан ташкарига чикмокчи бўлсангиз, одамлар оқими сизни ўзи билан олиб кетиши ҳеч гап эмас, шу боис сиз қайси томонга йўналмокчи эканингизни олдиндан хал килиб олишингиз керак: лифтгами ёки зинага?

Париж метросининг линиялари ҳам анча экстремал — вагонлар бирданига бурилиши, юқорилаши ёхуд пастлаши мумкин. Линиянинг курилиши ҳам биздаги каби эмас: яъни туннель биттагина бўлиб, карама-карши юрадиган вагонлар рельси ёнма-ён жойлашган. Сиз каршидан келаётган поезддаги одамларни бемалол кўра оласиз. Бу нарсга айниқса, бекатда кийинчилик тугдиради: нотўғри йўналишга туриб қолган бўлсангиз, нариги томондаги платформага ўтиш йўлини кидиришингиз керак. Уни топиш эса, ишонинг, роса қийин! Бошқа йўналиш бекатларига ўтиш йўллари лабиринтни эслатади – роса чалқашиб кетган. Яхшики кўрсаткич белгилари бор, биров бўлса-да ишингизни осонлаштиради. Ўтиш йўлакларидаги деворлар кичкина оқ плиткalar билан безалган, пол эса смола тўшалган жойни эслатади: қора рангда, биров юмшок, хатто сиз ўз аксингизни кўрасиз!

Умуман олганда, Парижга келган инсон метрони факат сайёҳ каби томоша қилгани маъқул, яъни ундан транспорт тури сифатида фойдаланмаслиги керак. Парижликларга эса метро линиялари ва бекатлари аллақачон ёд бўлиб кетгани боис, улар бу ерда манзилларини осонгина топиб олишади.

Энди поездлар хакида. Метронинг вагонлари оқ-яшил рангда, ҳар бир поезд 5 та вагондан ташкил топган. Баъзи вагонларда резина гилдираклар ҳам борки, уни кўриб ажабланасиз. Эски вариант бўлса керак. Вагонларнинг эшиклари кўлда очилади –

ичкарига кириш учун эшикдаги мурватни бурайсиз. Аммо эшиклар автоматик ёпилади, поезд юриб кетаётган пайтда ҳеч ким уни оча олмаслиги учун.

Париж метросининг алохида гурури бор – «№14» деб номланадиган йўналишда поездни машинист бошқармайди. Яъни, вагонлар автоматик тарзда ҳаракатланишади. Бу охириги йилларда қурилган ягона йўналишдир. Агар йўлингиз Парижга тушиб қолса, мана шу линияга албатта тушинг. Тушганда ҳам биринчи вагонга чиқишга ҳаракат қилинг, ўшанда олдинга боқиб, ўзингизни бемалол машинист ўрнига қўйиб қўришингиз мумкин бўлади.

Сизнинг олдингизда ҳудди автобус ойнаси каби йирик ойнадан бошқа нарса бўлмайди. Ҳеч қандай пулт, ҳеч қанака тугмани босиш шарт эмас, поезд ўзи кетаверади, мазза қилиб олдинни томоша қилиб кетасиз! Битта қўрқинчли томони – бирданига қаршидан нариги рельс-дан келаётган метро поездини сезмай қоласиз ва у ҳам ҳудди сизники каби маши- нистсиз бўлади.

Ана шуни эсдан чиқармасангиз, ҳаммаси О'кей!

314 та бекатдан иборат Париж метросида йўқолиб қолиш жуда осон. Шунинг учун метро линиялари картасини ўзингиз билан олиб юргангиз маъқул.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги каби, бу ерда ҳам йўналишлар ранг ва рақамлар билан белгиланади. Масалан, «учинчи» сарик линия ёхуд «олтинчи» яшил линия. Битта бекатга турли линиялар бўйича ҳаракатланадиган поездлар қелиши мумкин. Дейлик, сиз «Porte D'Orleans» бекатдасиз. Бу ерда сиз яна 1 дақиқадан сўнг келадиган метрога чиқсангиз, сўнгги бекати «Porte D'Clignancourt» бўлган 6-линия (бордо рангли) бўйлаб кетасиз, агар 6 дақиқадан сўнг келадиган метрога чиқсангиз, охириги бекати «Ch. De Gaulle-Etoile» бўлган яшил 6-линиядан кетасиз. Қолган барча йўналишлар ҳам шунга ўхшаш. Яъни, битта бекатга турли линиядаги метролар келади. Буни фарқлаш учун электрон соатлар осиб қўйилади, йўловчиларни айнан улар бошқариб туради (асосий расмга қараңг).

Париж метросининг чипта тизими ҳам биздаги каби эмас. Қим қанча узок юрса, шунча кўп йўл ҳақи тўлайди. Аввалига, метрога киришда автоматлардан билет сотиб оласиз, сўнгра чиқишда уни яна қўрсатиб ўтасиз. Ўрта масофаларга билет нархи тахминан 1,5 доллар туради. Ҳамма автоматлар факат француз тилида ишлаши эса, ҳатто, англияликларни ҳам қийнаши табиий.

Биласизми, Париждаги метрода билетсиз йўловчи ҳам турникетлардан осонгина ўтиб кетиши мумкин, ҳеч қим уларни текширмайди. Баъзида, ҳатто уларни тутиб ҳам олишади. Лекин одатда 99 фоиз йўловчи бундай қилмайди.

Сайёҳлар учун бир кунлик йўловчи билетлари сотилади. Уларни харид қилгач, сиз бир сутка давомида хоҳлаган йўналишда, хоҳлаганча юришингиз мумкин. Зеро, Париж метроси бекатлари ва йўлларини томоша қилишнинг ўзи ҳам қизиқарли бағишлайди.

Мақоламиз якунида шу мавзуга оид янги хабар: 2020 йилда Хитой қурувчилари Пекин

метросини дунёдаги энг узун метрога айлантиришмоқчи экан. Курилиш ишлари 2010 йилда бошланади ва кейинги ўн йил оралигида яна 19 та линия ишга тушади. Якунда метронинг умумий узунлиги 561,5 километрга етади ва бу кўрсаткич бўйича Нью-Йорк ортида қолдирилади.

Бехзод Ахмаджонов